

<b>Мавзу</b>	<b>Ўсимта ва унинг кесиш жараёнига таъсири. Ўсимтага таъсир этувчи факторлар.</b>
--------------	---

**1.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

<b>Машгулот вақти</b> (2 соат)	Талабалар сони: 30 – 60 гача	
<b>Машгулот шакли</b>	Маъруза	
<b>Маъруза режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўсимта ҳосил бўлиш жараёни</li> <li>2. Ўсимта миқдорида кесиш тезлигининг таъсири</li> <li>3. Ўсимтанинг кесиш бурчаги қийматига таъсири.</li> </ol>	
<b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b> Кесиш жараёнида Ўсимтанинг ҳосил бўлиши ва унинг кесиш жараёнига таъсири тўғрисида маълумот бериш.		
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўсимта ҳосил бўлиш жараёни тўғрисида умумий маълумот бериш.</li> <li>• Ўсимта миқдорида кесиш тезлигининг таъсирини тушунтириб бериш.</li> <li>• Ўсимтанинг кесиш бурчаги қийматига таъсири тўғрисида тушунча бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўсимта ҳосил бўлиш жараёни тўғрисида умумий маълумотларни билиб оладилар.</li> <li>• Ўсимта миқдорида кесиш тезлигининг таъсирини ўрганиб олишади.</li> <li>• Ўсимтанинг кесиш бурчаги қийматига таъсири тўғрисида тушунча оладилар.</li> </ul>	
<b>Таълим бериш усуллари</b>	Маъруза, блиц-сўров; “Инсерт” технологияси.	
<b>Таълим бериш шакллари</b>	Оммавий, жамоавий	
<b>Таълим бериш воситалари</b>	Ўқув қўлланма, проектор	
<b>Таълим бериш шароити</b>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

## 1.2. «Ўсимта ва унинг кесиш жараёнига таъсири. Ўсимтага таъсир этувчи факторлар» маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргар- лик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Маъруза учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Мавзунинг ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини таёрлаб қўйиш.	
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Маъруза машғулотининг номини айтади ва мавзу режаси билан таништиради. (1-илова) 1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова) 1.3. Асосий адабиётлар рўйхатини тавсия этади. (3-илова)	<b>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</b>
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Ўсимта ҳосил бўлиш жараёни тўғрисида умумий маълумотларни Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш билан тушунтириб беради (4-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.2. Ўсимта миқдорига кесиш тезлигининг таъсирини тушунтириб беради. (5-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.3. Ўсимтанинг кесиш бурчаги қийматига таъсири тўғрисида маълумот беради. (6-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Инсерт” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (7-илова)	<b>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</b>
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун кейинги дарс мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	<b>Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.</b>